



Ахборот-таҳлил
газетаси

НАМКОР

press



www.hamkorpress.uz



t.me/hamkorpress_gazeta

Газета 2004 йилдан чиқа бошлаган

2021 йил 25 июнь. 12 (391)-сон

hamkor.press@mail.ru



“Hamkorbank” АТБнинг Яккасарой филиали томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Маҳаллабай” асосида хонадонларга кириб борган соҳа ходимлари фуқароларнинг таклифларидан келиб чиқиб, уларга молиявий кўмак бериш ва бандлигини таъминлаш йўлида сезиларли ишларни амалга оширмоқдалар.

Ҳамид Сулаймонов МФЙ-да яшовчи Шавкатбек Назаров санъаткорлар авлодидан. Ёғоч ўймакорлигининг ҳадисини олган. Оилавий тадбиркор сифатида катта ишларни амалга оширмоқда. Баъзида яхши пул топиш учун сон эмас, сифат ва ўзига хослик муҳим роль ўйнайди. Шавкатбекнинг қўлида оддий ёғоч санъат асарига айланади.

Қўли гул ҳунарманд касб сирларидан унумли фойдаланиб, ўз бизнесини йўлга қўйиш режасини тузганди. Бироқ маблағ масаласига келган-

ЁҒОЧДАН ЯСАЛГАН САНЪАТ АСАРЛАРИ

да ўйланиб қолди. Шунда “Hamkorbank” вакиллари уни қўллаб-қувватлаб, кредит билан таъминлади.

Берилган 40 миллион сўм мақсадли сарфланди. Яшаш хонадонидан иш юритаётган тадбиркор алоҳида иш жойига эга бўлди. Хомашё захираси ҳам яратилди.

Ҳунарманд-тадбиркор ёнғоқ,

қайрағоч ва дуб каби қаттиқ ёғочлардан турли шаклдаги безаклар ясаб, сота бошлади. Ички бозордан

ташқари хорижликлар буюртмаси иш унумдорлигини оширяпти. Ҳар ойда ўртача 500 донна маҳсулот яратилади. Бу 30 миллион сўм даромад дега-ни.

Ш. Назаров ясаётган безак, сувенир, уй жиҳози ўрнида қўлланиладиган ёғоч буюмларнинг бозори чаққон. Уларга ҳавасингиз келади, ҳар бир иш санъат асари. Даромад ҳам шунга мос.

Бекзод МУТАЛЛИБОВ.
Муаллиф олган сурат.

Бу сонга:

**27 ИЮНЬ —
МАТБУОТ ВА
ОММАВИЙ
АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ
ХОДИМЛАРИ
КУНИ**

3-бет



7-бет

**“ЯХШИЯМ
ФУТБОЛДА СЕН
БОРСАН, РОНАЛДУ”**



8-бет

**ҲАММА НАРСА
ПУЛ БИЛАН
ЎЛЧАНМАЙДИ...**

КУН ҲИКМАТИ:



**Инсон бошига
тушиши мумкин
бўлган энг оғир
йўқотиш вақтни
бой беришдир.**
ТЕОФРАСТ.



ОЛАМДА НИМА ГАП?

АРМАНИСТОН. 21та партия ва тўрт блок қатнашган навбатдан ташқари парламент сайловлари кутилмаган натижа берди. Арманистон Бош вазири вазифасини бажарувчи Никол Пашиняннинг «Фуқаролик шартномаси» партияси 53,92 фоиз тўплаб, ғалаба қозонди.

ЭРОН. Мамлакат Олий судининг раиси Иброҳим Раисий 17,6 миллиондан ортиқ овоз тўлаган ҳолда ўтган президентлик сайловларида ғолиб бўлди. Жами 28,6 миллион киши овоз бериш жараёнида иштирок этгани билдириляпти.

БМТ. Антониу Гутерриш БМТ бош қотиби лавозимига иккинчи муддатга қайта сайланди. Унинг номзодини ташкилотнинг Хавфсизлик кенгаши қўллаб-қувватлади ва Бош ассамблеяга Гутерришни иккинчи муддатга тайинлашни тавсия қилди.

GERMANY. Кёльн полицияси ахлат қутисидан XVII асрга оид иккита расм топилганлиги ҳақида хабар берди. Дастлабки текширувга кўра, бу голландиялик рассом, Рембрандтнинг ўқувчиси Самуэл ван Гогстратен (1627-1678) ва италиялик Пиетро Беллотининг (1627-1700) асарларидир.

НИГЕРИЯ. 2027 йилда ECOWAS (Ғарбий Африка иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти)нинг 15 мамлакати учун ягона валютани ишга тушириш бўйича янги йўл харитаси қабул қилинди. Ҳозирда минтақадаги саккиз мамлакат умумий пул бирлиги сифатида Ғарбий Африка франки, қолганлари эса ўзининг валютасидан фойдаланади.

ХИТОЙ. Қурилиш компанияларидан бири 10 қаватли бинони 28 соат 45 дақиқада қуриб битказди. Уй Living Building деб номланган йиғилувчи конструкциялар тизими ёрдамида қурилган. Бинони йиғиш учун бир неча қурувчи ва учта кран талаб этилган.

АҚШ. Президент Жо Байден "Қўлчиликни бекор қилиш миллий куни" тўғрисидаги қонунни имзолади. 19 июнь эса расмий равишда федерал байрам деб эълон қилинди.

"AMAZON" асосчиси, сайёрамизнинг энг бой одами Жефф Безос ўзининг "Blue Origin" компанияси томонидан ишлаб чиқилган "New Shepard" ракетаида шу йилнинг 20 июлида коинотга парвоз қилишни режалаштирмоқда.

Кема бортида Безос билан бирга унинг укаси Марк, шунингдек, 28 миллион долларлик акция ғолиби ҳам бўлиши айтилди.

МОЛДОВА. "Руминларни бирлаштириш учун альянс" номли Молдова партияси Руминия билан бирлашиш режасини тақдим этди. Хужжатда Молдовани Руминия билан бирлаштиришга 2025 йилгача эришиш мумкинлиги белгилаб қўйилган.

ҲИНДИСТОН. Махараштра штатида коронавируснинг янги штампи топилди. "Дельта плюс" деб номланаётган мазкур вирусга чалиниш бўйича ҳозирда 20 га яқин ҳолат аниқланган.

Атоқли адибимиз Ойбекнинг таърифича, китоб — тафаккурнинг толмас қанотидир. Шу маънода инсоннинг қалб гавҳари, тафаккур хазинаси ҳам. Кутубхонамиз кекса, ўрта ва асосан ёшлар учун хизмат қилади. Улар энг бебаҳо неъматдан баҳра олиш асносида дунёни ўрганадилар. Орзу қилганимиздай маънавий етук, теран фикрлай оладиган, диёнатли ва олийжаноб инсонлар бўлиб камол топадилар. Бу сўзларни бекорга келтирмадим. Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази "Андижонбанк", яъни ҳозирги "Hamkorbank" акциядорлик-тижорат банки ташкил топган кунидан бошлаб ҳамкор, дўст. Демак, "Hamkorbank" 30 йилдирки, тафаккур ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

30 ЙИЛЛИК ҲАМКОРЛИК ҳамон давом этмоқда

Тарих учун бу давр қисқа вақт бўлиши мумкин, бироқ, шу вақт мобайнида Ўзбекистон Республикаси банк хизматлари бозорида ўзининг сифатли, намунали хизматлари билан мамлакатимиздаги барча минтақаларни қамраб олди, десам муболаға бўлмас. Молия муассасаси йилдан - йилга янада қулай, янада жозибали хизмат турларини таклиф қилиб, мижозлар, омонатчилар ва акциядорлари сафи кенгайишига эришяпти. Уларнинг манфаатларини юксалтиряпти, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшяпти. Кредитлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш борасида ҳам пешқадамлик қилмоқда. Жамоамиз банк хизматларидан мамнун. Шу кунга қадар марказ ҳисобхонаси ва касаба уюшма қўмитасининг барча банк операциялари вақтида, аниқ ва тўлиқ бажариб келинмоқда.

Хорижга борадиган бўлиб қолдим. Виза карточка очиш ва уни маблағ билан тўлдиришда ҳам "Hamkorbank" кўмаги асқотди. Кутубхонанинг 70 нафар



ходимини ва уларнинг яқинлари ҳам шу молия муассасаси хизматларидан фойдаланадилар. Тўй-маросимлари, уй-жой қурилиши ёки истеъмол кредитлари дейсизми, қўйингки, банкнинг молиявий қўллаб-қувватлашида кўп хайрли ишлар амалга ошириляпти.

Кечаги кун биз учун тарихий воқеа бўлди. Юртбошимиз Ш.Мирзиёев вилоятимизга ташрифи давомида капитал таъмирдан сўнг қошонага айланган ахборот - кутубхона марказимизга ташриф буюрди. Китобхоналар ва ходимлар учун яратилган шароитлар билан танишиб

хурсанд бўлдилар. Кутубхона фондини бойитиш учун қўшимча маблағлар ажратиш, ягона электрон маълумотлар базаси платформасини яратиш ва унга таълим муассасаларини улаш, Андижон тарихи, таниқли адиблар ижоди бўйича танловлар ўтказиш юзасидан таклиф ва тавсияларини бердилар. 1965 йилда қурилган бу бинони

бугунги замон талаби даражасида таъмирлаб, жиҳозлаб, аҳоли, айниқса, ёшларни билим олишлари ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун зўр шароитлар яратилганини "Келажакка инвестиция" деб баҳоладилар.

Президентимизнинг марказимизга ташрифи биз учун катта шараф. Уларнинг таклифларига кўра янги ғоялар, янги мақсад, янги лойиҳаларни фаолиятимизга татбиқ этишда "Hamkorbank" яқин ҳамкоримиз бўлади, деган умиддаман.

Гулнора ИСМОИЛОВА,
марказ директори.

ИҚТИСОДИЁТ ХАБАРЛАРИ

КИМЁ САНОАТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА

Халқаро молия корпорацияси кимё саноатини модернизация қилиш ва ўғитлар ишлаб чиқаришда Ўзбекистонга кўмаклашади.

Бу борада мазкур корпорация ҳамда мамлакатимиз ҳукумати ўртасида тегишли битим имзоланди.



ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ

Жаҳон банки Ўзбекистондаги солиқ маъмуриятчилиги тизимини ислоҳ қилиш учун 60 млн. доллар миқдорида имтиёзли кредит ажратади. Лойиҳа доирасида Давлат солиқ қўмитасининг операция, институционал ва технологик салоҳиятини ривожлантириш ҳамда иқтисодиётнинг норасмий секторини қисқартиришга йўналтирилган чора-тадбирлар кўрилади.



АНДИЖОНДА ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Андижон вилоятидаги Асака автомобиль заводида электромобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши маълум қилинди. 2021–2023 йилларда 80 млн. доллар инвестиция эвазига, 8 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда.



ТАДБИРКОРЛИК КОДЕКСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛМОҚДА

Адлия вазирлиги тадбиркорлар учун ягона ҳуқуқий манба — Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқмоқда. Адлия вазири Русланбек Давлетовнинг сўзларига кўра, ҳужжатнинг қабул қилиниши қонун ҳужжатларини меъёрлаштириш ва давлатнинг тадбиркорлик соҳасига аралашувини қисқартиришга хизмат қилади.

Биз бугун ҳуқуқий демократик давлат қураётган эканмиз, журналистиканинг бутун дунёда эътироф этилган, ўзгармас талаб ва мезонларига амал қилишимиз зарур. Бу мезонларнинг энг асосийси – холислик ва ҳаққонийликдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.



“Hamkorbank” номи республика-мизда аҳолига таниш бўлиб улгурган, бу банк хизматларидан кўпчилик фойдаланишга ўтган вақтлар эди. Кенгаш раиси Икромжон Ибрагимов навбатдаги янги лойиҳа ғоясини илгари сурди. Яъни, банкнинг имижи сифатида унинг нашрини ташкил этиш масаласи ўртага ташланди. Матбуот одамлар орасига кириб боришнинг энг яхши воситаси. У орқали аҳолига банк ғояларини тушунарли қилиб етказиш мумкин.



**27 ИЮНЬ —
МАТБУОТ ВА
ОММАВИЙ
АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ
ХОДИМЛАРИ
КУНИ**

ГАЗЕТА БИЛАН ҲАМНАФАС

Шу тариқа 2004 йилда “Hamkor press” газетаси дунё юзини кўрди. Газета Фарғона вилояти матбуот ва ахборот бошқармасида рўйхатдан ўтди. Таҳририят Фарғона шаҳрида ташкил этилди. Нурмуҳаммад Ватаниёр газетанинг бош муҳаррири сифатида унинг фаолиятини ўз зиммасига олди.

2016 йил охирида газета фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида таҳририят қайта ташкил этилди ва Андижон шаҳрига кўчириб келтирилди. Бош муҳаррир вазифасига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, “Олтин қалам” халқаро мукофоти соҳриндори Абдумутал Абдуллаев тайинланди. Шу тариқа газета ўз моҳияти ва йўналишини

ўзгартирди.

Асосий мақсад ўқувчининг эътиборини жалб қилиш ва банк тизимини кенг қамраб олиш бўлганлиги учун янги ғоялар татбиқ этилиб, янги саҳифалар йўлга қўйилди. Газетанинг асосий ўқувчилари ҳисобланган банк ходимлари ва мижозларининг қизиқишларини орттириш мақсадида уларнинг фаолиятини ёритишга катта аҳамият берилди. Бош муҳаррир А.Абдуллаев ташаббуси билан “Маънавият сабоқлари”, “Нуқтаи назар”, “Кун мавзуси”, мухбир Н. Тўхтаматова ташаббуси билан “Филиаллар фаолиятидан”, “Бизнинг мижозлар”, “Дунё мамлакатлари”, “Тажриба эгалари” каби рукнлар остида янги саҳифалар ўқувчилар

эътиборига ҳавола этилди.

Матбуот замон билан ҳамнафас ривожланиб бориши керак. Мана шу тамойилга риоя қилган “Hamkor press” ҳамон ўзгариш ва янгиликларга лаббай деб жавоб бермоқда. Айни вақтда республика бўйлаб 6 мингдан ортиқ ўқувчиси бор. Босма оммавий ахборот воситалари танг ҳолатни бошидан кечириётган бир пайтда мазкур газета ойда икки марта ўз вақтида ўқувчилар қўлига етиб бормоқда. Журналистлар Ҳалимжон Тоҳиров, Нилуфар Йўлдошева ва Нигора Тўхтаматоваларнинг турли мавзулардаги мақолалари, қизиқарли маълумотлар, банк ходимларининг фаолиятини акс эттирувчи материаллар кўпчилиكنинг диққат-эътиборида. Умид қиламизки, газетамиз узоқ йиллар ўз ўқувчиларини хушнуд этади.

Нигора МИРОЛИМ қизи.

Бир қарашда ижод ва тадбиркорлик, бизнес ва журналистика қарама-қарши қутблар сингари кўринади. Аслида бадиятга муккасидан кетган ижодкор моддиятни ҳам орзулайди. Ишончим комилки, давлатманд инсонлар орасида ҳам ижодкорларга эътиқоди баландлар талайгина. Зеро, сўз сеҳри, кези келганда олтин қадридан устун.



**БИРГАЛИКДА
ЮКСАЛИШ
САРИ**

Шу икки қутбни бирлаштириш, уйғунлаштириш қандай дивиденд олиб келиши “Hamkorbank” мисолида кўринади. Истиқлол тенгдоши бўлган мамлакатимизнинг йирик молия муассасаси нафақат пул-кредит сиёсатида, тадбиркорга мадад беришда, балки, маънавият, маърифат, маданият бобида ўз сўзини айта олган банкдир. “Hamkor press” газетаси мана 17 йилдирки, маънавият ва моддиятнинг посангисини тенг тутмоқда.

Давлатимиз раҳбари “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”, дея айтганида бунинг ифодаси “Hamkorbank” фаолиятида ойдинлашади.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами билан ҳамкасбларни қизғин қутлаб, “Hamkor press”га уйғунликда давом этишни тилаб қоламан.

Қаламингиз ўткир, ижодингиз баравж бўлсин, дўстлар!

Саидахмад ШУКУРОВ,
журналист.

ҚАЛАМИНГИЗ ЁЗИШДАН ТЎХТАМАСИН!

1994 йилдан бери юртимизда ҳар йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни нишонланиб келинади. Шу аснода филиалимиз ходимлари номидан банкимизнинг кўзгуси ҳисобланган “Hamkor press” газетаси жамоасини ушбу сана билан табриклаймиз. Бу биз муштарийлар, банкимизнинг каттаю кичик, барча меҳнатсевар ходимларининг ҳам байрамидир.

“Hamkor press” кундалик иш жараёнимизда тобора муҳим ўрин тутиб, катта ишонч ва ҳурмат қозониб бораётган экан, бунинг негизида газета муҳаррири, журналистлари, ноширлар ва соҳанинг бошқа ходимларининг машаққатли меҳнати ётибди. Шундай экан, ушбу соҳа вакиллари, жумладан, “Hamkor press” газетаси ижодкорларининг келгуси ишларида муваффақият тилаймиз. Нурафшон филиали жамоаси.



Газета фақат тезкор янгиликлар билан танишиш учун керак, деб ўйласангиз хато қилган бўласиз. Ундан маърифат, ҳикмат, ибрат каби маънавият муждаларини топа олишингиз муҳим ҳисобланади.



МИЖОЗЛАР ХИЗМАТИДА

2019 йил “Hamkorbank” АТБнинг Қарши минтақавий филиали ўз фаолиятини бошлади. Бу қаршиликлар учун айна мударо бўлди.

Жамоа дастлаб 9 нафар ходим билан иш бошлаган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 25 нафарга етди. Юридик мақомга эга мижозлар сони 270 дан ошди. Яқка тартибдаги тадбиркорларнинг сафи ҳам кенгайиб бормоқда.

Замонавий услубдаги бинода Бизнес маркази ҳамда аҳоли ва юридик ташкилотлар учун барча турдаги банк хизматлари йўлга қўйилди. Филиалнинг чакана ва корпоратив бўлими, бек ҳамда мидл офислари жойлашди. Худуддаги энг йирик мижоз бўлган “1-сон комплекс лойиҳа қурилиш ва монтаж” хусусий корхонаси 2020 йилдан филиал билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Корхона жамоаси шу кунга қадар 11 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига катта объектлар ва уй-жойлар қурмоқда.



Ҳозирда филиал раҳбарлиги Ўктам Исаев зиммасида. У билимли, қатъиятли. Тизимдаги янгиликларни амалиётда қўллашда ташаббускор. Ҳар бир

сўзини ўйлаб гапирди, кўнгил олишни ва кадрлар билан ишлашни билади.

Филиалда устоз-шогирд аънаси йўлга қўйилган. Янги иш бошлаган ҳар бир ходим Азаматжон Тангриев ва Жавлонжон Нормаматов сингари малакали мутахассислардан касб сирларини ўрганади. Ўз навбатида иқтидорли ёшлар кадрланадилар, дунёқараши, тақлифлари инобатга олинади.

— Ҳар куни турли феъл-



атворга эга мижозлар билан мулоқот қиламиз, хушмуомалада бўламиз. Илқ муносабат, вазиятга тўғри ва холис қарашга ҳаракат

қиламиз. Чунки банкимизда мижозларга илтифот қилиш ва уларнинг ҳамиша ҳақ эканликларини эътироф этиш тартиби мавжуд. Шунданми, бошқа



нинг 1 июнь ҳолатига кўра жами кредит қўйилмалари 128 фоизга ўсди. Миллий сўмдаги омонатчилар 88 фоизга, АҚШ валютасидаги омонатчилар 92 фоизга ошди.

Жамоа аҳил-иноқликда, бир ёқадан бош чиқариб иш юритади. Ходимларнинг дўстона муносабатлари мустақамлиги иш унумида ўз исботини топган. Бир-бирларидан ўрганишдан тўхтамайдилар, ёрдамини аямайди. Ҳамиша мижозлар кўнглига йўл топиб, беминнат ёрдам қўлини чўзишга, молиявий қўллашга интилаётган жамоада “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойили бош мақсадга айланган.

Нируфар ЙЎЛДОШЕВА.

ҲИСОБЧИЛИК ҲАЁТИМ МАЗМУНИГА АЙЛАНДИ

Иш фаолиятимни Марказий банкда қотибаликдан бошлаганман. 1996 йил устозим Алмира Нигматуллаева тавсияси билан “Hamkorbank”нинг Шаҳрихон филиалига бухгалтер бўлиб келдим. Ўшанда 24 ёшда эдим. Қарангки, орадан 25 йил ўтибди. Мен ҳамон мана шу жамоа билан биргаман.

Устозим Алмира опа бошиданоқ тўғри ишлашни, вақтида қарор чиқаришни, банк ишининг мураккаб жиҳатларини ўргатди. Берган сабоқлари учун у кишига умримнинг охиригача таъзим қиламан. Фаолиятим давомида бошқа бўлимларга ўтишим мумкин эди, раҳбарлик лавозимларини ҳам тақлиф қилишди. Аммо, ҳисобчилик қон-қонимга сингиб кетгани учун шу соҳада қолдим.

Бу тизимда ишлаб кўплаб инсонлар билан танишдим. Тренинг дарслар орқали касбий билим ва тажрибаларим ошди. Бош банк билан алоқалар жараёнида Олмаҳон Тўражонов, Гулнара Умматова, Шерзодбек Муҳиддиновлар билмаганларимни ўргатишди. Йиллар мени шахс ва мутахассис сифатида шакллантирди. Ўрганганларимни фарзандларим тарбиясида ҳам қўлладим. Уларнинг маънавияти, тарбияси ҳам таъсири бўлди ишимнинг.

Умр йўлларимнинг асосий қисми шу банкда ўтмоқда. Мен илк бор таниган-билган “Hamkorbank” маълум бир ҳудуд аҳолиси учунгина хизмат кўрсатар, камчиликка таниш эди. Ҳозир уни деярли дунё билади.

Фаолиятим давомида билганларимни ёшлар билан ўртоқлашдим, кўпчилигига устозлик қилдим. Бугун шогирдларим Бош банк ва турли филиалларда самарали фаолият олиб бормоқда. Насиб қилса, ёшлигим ўтган, орзуларим ушалган, малакам ортган бу даргоҳ билан ҳали узоқ йиллар бирга бўламан.

Феруза ЎРМОҲОВА,
Шаҳрихон филиали.

КАСБИМ — БАХТИМ...

Ўқувчилик давримдаёқ банк соҳасини, яъни ота касбини орзу қилганман. Марғилон ҳисоб-кредит техникумини тамомлаб, 1997 йилда Халқ банки муомала бўлими назоратчисига шогирд бўлиб келдим. У ерда банк сирларини ўргандим, шаклландим. 2001 йилнинг мартидан “Hamkorbank”нинг Қўқон филиалида фаолиятимни бошладим.



Дастлаб ҳисоб ва таҳлил бўлимида масъул ижрочи, 1-тоифали менежер, кейинги назорат етакчиси мутахассиси, яна фронт офис 1-тоифали менежери вазифасида ишладим. Айна дамда ходимлар билан ишлаш менежериман.

Нэля Алимова, Султоной Акбарова, Раъно Абдурақова каби тажрибали устозлар сабоғини олдим. Ва ўзим ҳам улар каби устоз мақомига эга бўлдим. Шогирдларим талайгина.

20 йил давомида банкда меҳр-оқибат, жамоа билан ишлаш, ўзгаларга ёрдам беришни ўргандим. Яхши ният ила катта режалар тузилса, албатта эришилишига ишонч ҳосил қилдим. Севимли касбим, мақтанса арзигулик жамоадошларим, дўстларим бор. Оилам тинч, касбим туфайли фарзандларим чиройли камолга етдилар. Аёл учун, она учун бундан ортиқ бахт борми?!

Дилноза КАТТАБОБОВА,
Қўқон филиали.

Отабек Ёқуббеков 20 йил аввал “Ўзсаноатқурилишбанк”дан “Hamkorbank”ка ишга ўтиб, Бош банкда молиялаштириш ва қарз бериш бўлимида 1-тоифали мутахассис сифатида фаолиятини бошлаган. Кейин кредит бўлимига бошлиқ этиб тайинланди. Мана шундан сўнг унинг “Hamkorbank”даги фаолияти кредитлар билан боғланди, кредитлар мониторинги ва муаммоли кредитлар билан шуғулланди.

КРЕДИТЛАР МУАММОСИ БИЛАН

Банкларда муаммоли кредитлар масаласи ҳар қандай ходимга ҳам ишониб топширилмайди. Отабекдаги ишнинг кўзини билиш, ҳалоллик, масъулиятчилик каби хислатлар айнан уни шу соҳада ишлаши учун замин яратди. Ҳозирда у раҳбарлик қилаётган муаммоли активлар билан ишлаш бошқармасида 10 нафар ходим фаолият юритади. Жамоамизнинг бутун диққат-эътибори ундирилмаган кредитларни қайтаришга қаратилган. Асосий вазифамиз — кредит портфелини соғлом ҳолда тутиб туриш бўлиб, бунда тўланмаётган кредитларни ундириб, уларнинг яна



ўсиб кетмаслигини назорат қиламиз.

Бошқарма бошлиғи сифатида Отабек Ёқуббековнинг зиммасидаги масъулият катта. 20 йиллик тажриба ўз сўзини айтиб, қутилган натижаларга эришилмоқда. Устознинг касбий малакаси ва меҳнатини банк раҳбарияти ҳам қадрлайди. Шу боис у бугун муҳим вазифада. Мутахассис сифатида ҳам одамийлик жиҳатидан ҳам ҳамкасбларига доим ўрнак.

Хусанбой ТУРСУНОВ,
“Hamkorbank” АТБнинг муаммоли активлар билан ишлаш бошқармаси бош мутахассиси.

“Hamkorbank” АТБнинг Тошкент филиали тўнғич банк муассасаларидан. Пойтахтда банклар орасида ўз ўрнини топиш, мижозлар ишончини қозонишнинг ўзи бўлмайди. Мазкур филиал жамоаси бу борада доим изланишда. Тизимдаги янгиликларни амалиётга татбиқ этиш, хизмат сифатини ошириш ва мижозларга қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабаб ҳамкорлар сафи ортиб бормоқда.

МАҲАЛЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИК жамоатчиликнинг ишончини оширмоқда



Айни вақтда Элдорбек Ҳамроқулов раҳбарлигидаги жамоа йирик мижозлар билан ишлаш баробарида яқка тартибдаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, аҳолига молиявий кўмак кўрсатиш борасида ўзига хос тажриба мактабини яратган.

Маҳаллалар билан ҳамкорлик биргина молиявий ёрдам бериш билан чекланмай, фуқароларнинг 8 та муаммосига ечим топишда кўмакчи бўлди, яна бир бор ишонч ошди.

— Чилонзор туманидаги 5 та МФЙ бизга бириктирилган. Ҳар бир тадбиркорлик субъекти, ҳар бир хонадон биз учун таниш, — дейди Бек офис мутахассиси Давронбек Юсупов. — Тадбиркорликни ривожлантириш, фуқаролар бандлигини таъминлаш, ҳудудларни ободонлаштириш, коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, қўйингки, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги ҳаракатларни биргаликда амалга оширамиз. Одамлар бунга ўрганган.

Агар бирон муаммо юзага келса, энг аввал бизга мурожаат қиладилар.

Ёшлар масаласи алоҳида эътиборда. Жиноятчилик ва қонунбузилишлар асосан бекор-

чиликдан келиб чиқади. Шу сабаб уларнинг бандлигини таъминлаш, касбга йўналтириш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб бориляпти.

Биргина Катта Олмазор МФЙда йилнинг ўтган даврида ёшлар-

ни қийнаётган 92 та муаммо ечимини топди, 24 нафарининг олий таълим муассасаларида ўқишлари учун контракт тўловлари ҳал этилди. Вақтинча ишсиз бўлган 13 нафар йигит-қиз касбга йўналтирилди, 26 нафари ишга жойлаштирилди.

Ҳумоюн Тиллабоев ёш тадбиркор, билимли, изланувчи йигит. Тенгдошларига хунар ўргатиш истагида эди-ю, маблағдан қийналаётганди. Берилган 50 миллион сўм кредит эвазига фойдаланилмаётган жойда ўқув курси очди. Яна бир изланувчан Шаҳбоз Адҳамжонов эса спорт клуби ташкил этди. Ҳар икки лойиҳа банк ходимларининг назоратида.

— “Маҳаллабай” тизимида талай ишлар амалга ошириляпти. 1197 та оилани банк ходимлари ўз жамоа-



си деб қабул қилган. Ободонлаштиришдан тортиб барча масалалар биргаликда ҳал этилади, — дейди МФЙ раиси Алишер Умаров. — Йил бошида “Темир дафтар”га киритилган 16 та оилага алоҳида эътибор қаратилгани боис уларнинг турмуш даражаси яхшиланди.

Кунора маҳалла кезаётган “ҳамкорбанкчилар” Чилонзор туманида янги ҳамкорларини топмоқда. Зеро астойдил қилинган ҳар бир ҳаракатнинг истиқболи бор.



“Hamkor press” газетаси ижодкорлари “Газета ва газетхон” лойиҳаси доирасида Тошкент филиалида бўлди. Газета ижодкорлари банк жамоаси билан “Матбуот ва жамият” мавзусида давра суҳбати ўтказди. Ўқувчиларнинг бугунги ОАВ борасидаги фикрлари эшитилди.

Муштарийлар “Hamkor press”да берилаётган мақолалар юзасидан ҳам фикр ва мулоҳазаларини билдирди. Лойиҳа доирасида “Зийрак муштарий” танлови ўтказилди.

Акбаржон НАЗАРОВ. Бекзод МУТАЛЛИБОВ (фото). Андижон-Тошкент-Андижон.

Кўприк, йўл қуриш савоб амаллардан бўлгани учун шу соҳа билан шуғулланишни ният қилдик. 2012 йилда “Хушбоқ Али Ангор” МЧЖни ташкил этиб, ўзимизнинг қишлоқда ишсиз юрган 10 нафар ёшлар билан фаолиятимизни бошладик.

Корхонамиз кенгайиши натижа-сида бугунга келиб 60 нафар инсоннинг оиласига тушум қиряпти. Йиллик айланма маблағимиз 18-20 миллиард сўмни ташкил қилади.

Ўтган йиллар мобайнида республикамизнинг ҳудудларида автомобиль йўлларини боғловчи ва дарё устидан ўтувчи бир қанча кўприк барпо этдик. Янгийўл, Боёвут ва Сардобада қуриб битказган иншоотларимиз халқимизга хизмат қиляпти. Шу кунларда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида қурилиш ишлари давом этмоқда.

Шукрки, фаолиятимиз давомида ишимизнинг сифати билан боғлиқ муаммо кузатилгани йўқ. Корхонамизда кўприк қуриш соҳасида кўп йиллик тажрибага эга мутахассислар бор. Уларнинг соҳадаги билим ва тажрибаси, қолаверса, ишчилар учун яратилган шароитлар иш уну-

ми ва сифатига таъсир кўрсатмоқда. Уч маҳал иссиқ овқат, бепул ётоқ,



“КўПРИК ҚУРИБ РОҲАТЛАНЯПМИЗ”, — дейди ангорлик тадбиркор

кийим-бош, 3,5-4 миллион сўм атрофидаги маош билан таъминланаётгани боис ишчиларимиз

сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Ҳар қандай ишни ташкил қилиб, ривожлантириш, самарага эришиш учун моддий кўмак зарур. Мана шу кўмакни “Hamkorbank”дан



БИЗНИНГ МИЖОЗЛАР


та ёрдам берди. Йирик миқдорда бир қанча кредит шартномаси имзоладик. Ўтган йили олинган 2,5 миллиард сўмлик кредитга 80 тонналик автокран ва зарурий хомашлар харид қилинди.

Тадбиркорларга берилаётган эътибор ва имкониятлар ютуқларимиз омили бўлмоқда. Бизга билдирилаётган ишонч туфайли Президентимизнинг жойларга ташрифидан сўнг режалаштирилган кўприклардан 3 тасини қуриб битказдик. Табиий офатлардан талофат кўрган объектлар қурилиши ҳам бизга топширилди.

Умид қиламизки, қиладиган катта ишларимиз ҳали олдинда. Фаолиятимиз доирасини кенгайтириб, яна кўплаб замонавий объектларни бунёд этишга ҳаракат қиламиз.

Рустам АЛИЕВ, “Хушбоқ Али Ангор” хусусий корхонаси директори

Ёзувчи ва журналист Асадулло Мирзаакбаров 2000-2012 йилларда “Hamkorbank” АТБда бошқарув раисининг ўринбосари, бирлашган касаба уюшмалари кўмитасининг раиси лавозимларида ишлаган. Ҳозирда нафақада бўлишига қарамай бадиий ижод билан банд. Кейинги йилларда унинг қисса ва ҳикоялардан иборат ўнлаб китоби чоп этилди. Яқинда муаллифнинг биратўла учта “Мен Андижонликман”, “Нозикниҳолим қайдасан”, “Муҳаббатим, сени соғиндим” китоблари нашрдан чиқди. Уларда банк ҳаётига оид кўплаб воқеалар ўз аксини топган. Қуйида “Мен Андижонликман” китобига кирган айрим хотиралар қисқартирилган ҳолда газетхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда.



“АНДИЖОНБАНК”НИНГ ТУҒИЛИШИ

Оқшом пайти республика телевидениесида иқтисодиёт янгиликларини кўраётгандим. Чет эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank” акциядорлик-тижорат банки фаолиятидаги янгиликлар ҳақида лавҳалар намоиши бошланди. Беихтиёр бундан 20 йил олдинги воқеалар кўз ўнгимда гавдаланди.

Расул Мухторов ва мен ўша пайтда “Андижонбанк” номи билан аталувчи банкка бирин-кетин ишга келдик. Р. Мухторов хўжалик, мен эса маънавий-маърифий ишлар билан шуғулланардик. Янги филиаллар, минибанклар очишга тайёргарлик кўриш, қуриш, тақдимот маросимларини ўтказиш билан боғлиқ масалаларни биргаликда ҳал қилар эдик. Андижонда кўз очган банк бошқа вилоятларда ҳам фаолият кўрсатиши режалаштирилганди.

Дастлабки уринишлар бошланди. Вилоятнинг мутасадди раҳбарлари илиқ қарши олишди. Улар банкимиз ҳақида тасаввурга эга бўлгач, фили-

ал очишга бажонидил розилик билдиришди. Бу қувончли хабарни банк бошқаруви раиси Икромжон Ибрагимовга етказдик. Аммо... Филиалга бино топиш ёки ажратиш, қайта таъмирлаш ёхуд қуриш ишларига киришиш ишлари чўзилгандан чўзиларди. Яна бизга ваъда берган вилоят раҳбарлари ҳузурида ҳозир бўлдик. Рўпарамиздаги бир нечта раҳбарнинг ҳар бири – узр, илтимосларинг ҳал бўлмади, – дейишдан нарига ўтмасди. – Ахир сизлар рози бўлган эдиларингиз! – дедик бараварига. Улар – ҳа энди... дейишарди-ю, елка қисганларича сукут сақлашарди. Қанча ҳаракат қилмайлик орқага тисарилишнинг сабабини била олмадик.

— Биз Андижонликмиз! – дедим ниҳоят сабрим чидамай. – Чапани, чўрткесар, ваъдасида турувчи, субутли кишилармиз. Келинглари, бир неча

оғиз анжанчасига гаплашайлик! Суҳбатдошларимиз сергак тортишди. Бир-бирларига маъноли қарашди. Лекин чурқ этишмади. Ҳар бир ишни босиқлик билан ҳал қиладиган, катта ҳаётий тажрибага эга Р. Мухторов – “тортинмай айтаверинглари, биз ва раисимиздан бошқаси билмайдик. Раҳбаримизга хабар беришимиз керак-ку!” – деди. **(Ўша ваъда ҳамон ўз кучида турибди. Вилоятнинг номи айтилмаяпти. – Муаллиф).**

— Бизни тўғри тушунинглари. Ўзларингиз банкка келгунча нуфузли идораларда масъул лавозимларда ишлаган экансизлар. Яхши биласизлар. Барча масалани биринчи раҳбар ҳал

қилади, — деди тўрида ўтирган, кўзойнак таққан, савлатли киши.

Гап нимада эканлигини дарҳол тушундик.

— Майли унда бизни вилоят ҳокими билан учраштиринглари! — деди Р. Мухторов, жиддий тортиб.

— Фойдаси йўқ! — шошилганча гап қистирди ўнг томонда ўтирган баланд бўйли, қорачадан келган киши.

— У киши бизларга қаттиқ тегди, — гапга қўшилди яна бири.

— Биз таклиф билан келамиз-у, сизларга нега қаттиқ тегади? — ҳайратланди Р. Мухторов.

— Андижонликлар энди банк очишга ўтишибдими? Сенлар нима қилиб юрибсанлар? Ўзимиз тижорат банки очсак бўлмайдими? — деб ўдағайлади.

И. Ибрагимов ярим кечагача

хонасида ишлаб ўтирарди. Сафардан қайтиб, хонасида бўлдик. Юрак ютиб нохуш хабарни етказдик. Шунда кутилмаган ҳолат рўй берди. У самимий тарзда овоз чиқарганча кулди.

— Банк ташкил этиш, фаолиятини йўлга қўйишни осон деб ўйлашяпти шекилли! Майли уриниб кўришсин! Эрталаб кўнғироқ қилиб айтинглари, қандай ёрдам керак бўлса биз тайёرمىз.

Биз ўшанда И.Ибрагимовнинг бу даражадаги совуққон муносабатининг сабабини тушунмагандик.

Орадан бир неча йил ўтди. Ҳар йили қатор вилоятларда филиал ва минибанклар иш бошлади. Жаҳон молия институтлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Жаҳон банкнинг тавсиясига кўра ҳудудий кўриниш касб этиб турган “Андижонбанк” номи “Hamkorbank”ка алмаштирилди. У мамлакат молия бозорида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлди. Довруғи жаҳонга ёйила бошлади.

Кунларнинг бирида ўша вилоятдан кўнғироқ бўлди: “Раисингиз билан учрашмоқчимиз!” дейишди. — Илтимос ўзингизни таништиринг! — деб сўрадим.

У ўша биз учрашган вилоят раҳбарларидан бири экан.

— Тижорат банки ташкил қилдик. Лекин юриб кетмади. Кутдик, кутдик бўлмади. Ёрдам берамиз, деган эдинглар. Ҳокимимизнинг илтимосига биноан бормоқчиман. Қузатаямиз. Мавқеларингиздан яхши хабардор-миз. Бизда филиал очинглар!

И. Ибрагимовнинг узоқни кўра олишига яна бир бор қўйил қолдик. У бу хабарни босиқлик билан кутиб олди. Гўё шундай бўлишини биладигандек тутди ўзини.

“НАМКОРБАНК”НИНГ ЯНА БИР ХАЙРАИ ИШИ

кўрсатиб берилди.

— Бундай шароитга ходимларимизни олиб кела олмай-миз! — дейишди.

— Демак бошқа дам олувчиларга шароитимиз маъқул келмас экан-да, хушёр тортишди мутасаддилар.

— Биз бошқалар учун жавоб бера олмаймиз. Балки кун ўтиши учун ишларинг юришиб турар. Бироқ, узлуксиз дам олувчиларни жалб қилиш учун биз кўрсатган камчиликларни бартираф этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

— Ахир булар катта маблағ талаб қилади.

— Пулни топиш учун аввал сарфлаш керак!

— Тўғрику-я. Лекин маблағни қаердан оламиз?

— Банкдан. Ҳисобчингиз бош қотирсин. Бизнес-режани тайёрлаб, ҳимоя қилинглари. Бизнингча, кредитни қайтариш учун бизнес шароит етарли.

Пировардида маскан раҳбарлари ҳақиқий маънодаги ҳордиқ жойини ташкиллаштириш учун нималар қилиш лозимлигини тушуниб етди-

лар. Бизнес-режа тайёрлаш учун вакиллар билдирган таклиф-мулоҳазаларни олиб, ташақкур изҳор этдилар.

Орадан бир неча ой ўтди. Дам олиш масканида бошланган ишлардан хабар топилди. Банк фаҳрийларидан бир гуруҳи ҳордиқ чиқариб қайтди.

Бу воқеа водий бўйлаб овоза бўлди. Энг қизиғи, янги бино қураётган, қайта таъмирлаш ишларини бошлаган фирма, тадбиркорлар “Hamkorbank”ка маслаҳат сўраб кела бошладилар.

Фарғона водийсида сўлим гўшалар кўп. Уларнинг айримлари кейинги йилларда қаровсиз қолиб кетганди. Тадбиркорларга хусусийлаштириб берилгач, аҳвол ўнглана бошлади. Ўшандек дам олиш масканларидан бирининг раҳбари “Hamkorbank” бирлашган касаба уюшмалари кўмитасига келди.

— Ҳудудимиз таъмирдан чиқарилди. Люкс хоналар ташкил этилди. Банк ходимлари дам олиб келишсин.

Хабар банк кузатув Кенгашининг раиси И. Ибрагимовга етказилди.

— Яхши таклиф. Аммо ходимларимизнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун яратилган шароитлар чиндан

ҳам талаб даражасидами? Буни билмай туриб одамларимизни жўнатиб бўлмайди. Куну-тун меҳнат қилаётган ходимларимиз беками-кўст шароитда дам олишга ҳақлидирлар. Вакиллар бориб, у жойдаги вазиятни ўрганиб келишсин. Маъқул бўлса, дам олувчиларни гуруҳларга бўлиб жўнатамиз, — деган жавоб олинди.

Банк вакиллари ҳордиқ масканига ташриф буюришди. Худудга киришдан бошлаб, ичкаридаги безатиш, ободончилик, дам олувчиларга яратилган шароитлар, ошхона, кўнгилочар, спорт тадбирларини ўтказиш жойларидаги ҳолат ўрганиб чиқилди. Хоналар, айниқса “люкс” деб таърифланаётганларидаги камчиликлар

Табиат инсон кўнглини яйратади, мириқиб ҳордиқ чиқарган киши яхши ишлайди. Бу ажиб туйғуни ҳис қилган Қувасой филиали ходимлари “Hamkorbank” АТБнинг 30 йиллиги арафасида “Боғи баланд” масканида дам олдилар. Филиалнинг 56 нафар ходими Андижоннинг баланд адирликлару боғларини кезар эканлар гўё болаликка қайтгандай бўлдилар.

Гарчи ҳар куни кўришиб, бир офисда ишласаларда, ҳамкасблар билан дам олишнинг завқи ўзгача. Буни филиали ходимлари “Боғи баланд” дам олиш масаканида яна бир бор ҳис қилдилар.



“БОҒИ БАЛАНД”ДА

— Дам олиш масканида кейинги уч йилда катта ўзгаришлар бўлибди. Эътиборга молик жойлари кўпайибди, — дейди бошланғич касаба уюш-


ма кўмитаси раиси Умидахон Мамаюсупова. — Ҳамкасбларимиз билан маза қилиб дам олдик, хушманзара жойларини кўрдик, турли атракци-

онларда учиб завқландик.

Дам олиш асносида қувасойлик банкчилар гуруҳ-гуруҳга бўлиниб мусобақалашдилар. “Тимбилдинг” ўйинида ўзларининг спорт билан ошно эканликларини кўрсатдилар. Айниқса, йигитларнинг чапдастлиги ва чаққонлиги бу борада қўл келди. Аёллар учун эса рақслар қулай экан.

“Меҳмон атои Худо” дейдилар. Бу ўзбекона одат “Hamkorbank” АТБ раҳбарияти томонидан моддий ва маънавий қўллаб туриш асносида яна бир бор ўз ифодасини топди. Ғолиб ва иштирокчилар муносиб рағбатлантирилди.

Нилуфар ИБРОҲИМЖОН қизи.



Шу куннинг тавсияси

Сувсизланиш ва муҳим минераллар йўқолишининг олдини олиш учун шифокорлар сув билан олма шарбатини тенг миқдорда аралаштириб ичишни маслаҳат беришади.

ЖАЗИРАМАДА ҚАНДАЙ ИЧИМЛИК ИЧИШ КЕРАК?

Жазирама ёзда кўп терлаш оқибатида келиб чиққан сувсизланиш организмда сув-туз мувозанатини издан чиқариши мумкин. Бу эса артериал гипертония ва алмашинув жараёнлари бузилишига олиб келиши ҳеч гап эмас.



Оддий тоза сув чанқоқни қондиришга ёрдам беради. Олма шарбати аралаштирилганда эса янада самарали. У йўқотилган туз ўрнини тўлдиради. Мазкур шарбатда калий бисёр (кунлик меъёрнинг тахминан 20%) бўлиб, у организмда сув-туз мувозанатига жавоб беради. Лекин шарбатда қанд жуда кўп бўлгани учун унга сув аралаштириш лозим. Камида ярмини сув ташкил қилиши керак. Яхшиси, нордон шарбат ичган маъқул — апельсин, грейпфрут ёки резаворли морслар. Улардаги органик кислоталар организмда кислота мувозанатини сақлашга ёрдам беради.

СУКУТ САҚЛАШ

Айрим гап-сўзларга жавоб бермай сукут сақлаб турган инсонлар — улар жавоб беришга ожиз инсонлар бўлавермади!

— Шундай инсонлар борки, ўзгалар қалбини жароҳатлаб қўймаслик учун сукут сақлаб туради.

— Шундай инсонлар борки, ўзлари алам чекиб турган бўлади ва гапирса, алами янада зиёда бўлиб кетади. Шунинг учун улар сукут сақлаб туради.

— Шундай инсонлар борки, гапиркор қилмаслигини билгани учун сукут сақлаб туради.

— Шундай инсонлар борки, ғзаб пайтида бирор кимсага қаттиқ гапириб, уни йўқотиб қўймаслик учун сукут сақлаб туради.

— Энди эса энг буюк сукут сақлаш қолди. Бу ҳам бўлса, ўз нафсингиз ва услубингиз билан тараққий топишингиз учун сукут сақлашингиздир!

“Ҳикматлар чашмаси” дан

Шахсий фикр

Яширмайман, мен бугунги дунё футболининг тирик афсонаси Криштиану Роналдунинг мухлисман. Унинг ўйинларидан завқ оламан, ютуқларидан қувонаман. Айниқса, гол урса ёки жамоаси билан муҳим учрашувларда ғалаба қозонса, кўнглим қуёшдек чарақлаб кетади. Унга қараб инсоннинг имкониятлари чексиз эканлигига, ўз устида изланишдан, ҳаракатдан тўхтамаса, ютуқларнинг ёшга алоқаси йўқлигига ишонч ҳосил қиламан. Буним кимдир Роналду шахсига сиғиниш деб тушунмасин. Бу шунчаки ҳаётдан мотивация олиш манбаини танлаш демакдир.

“ЯХШИЯМ ФУТБОЛДА СЕН БОРСАН, РОНАЛДУ”

Қолаверса, бу гаплар 15 июнь кунини соат 23:00 гача ухламай терма жамоамиз ўйинини кутиб, кейин эса ҳафсаласи пир бўлган бир футбол ишқибозининг ўзига берган тасаллиси. Шукри, шу кунни Венгрия-Португалия ўйини бўлиб ўтди ва яна ўша Роналду кайфиятни ушлаб турди. Унинг сўнги дақиқалардаги дубли

га келганда, доим қовун тушираверамиз.

Яман билан бўлиб ўтган ишончсиз, нурсиз ўйинда кейин мураббий рақибга қараб хулосани чиқариши, чораларни кўриб қўйиши керакмасмиди? Бизнинг жамоамиз эса хужум ҳам қилмади, ҳужумларга дош ҳам бермади. Унда майдонда нима қилди, дерсиз. Шу саволга жавоб топа олмади кўпчилик. Ма й д о н д а эса ҳеч нима қилмади бизникилар...

Саудияда учралган мағлубият бизни жаҳон чемпионати мундиалига чиқиш



ҳақиқий футболда курашган, интиланган мақсадига етишини яна бир исботлади. Аммо А сериядек топ лигада тўп суриб “Лацио”, “Аталанта” каби машҳур клублар дарвозасига йўл топа олган Элдор Шомуродовдек ўйинчиси бор Ўзбекистон Саудия Арабистонидек ўрта-миёна жамоага битта ҳам гол уролмади. Майдонда ҳужумчиларнинг жон куйдириб ўйнамаганига яраша, ҳимоячиларнинг ҳам мустаҳкам деворини кўрмадик. Алам қиладигани, араблар учта голни ҳам жарима майдонига ёриб кириб, ҳимоячиларни ортда қолдириб урди. Бизникилар эса рақиб жарима майдоначасида тўпни йўқотиш, бир-бирига ноаниқ пас оширишдан нарига ўтмади.

Сабаб нимада? Жаҳонда тарихи, ер майдони, аҳолиси, иқтисодий имкониятлари, маънавий бойликлари жиҳатидан анча-мунча давлатларни ортда қолдирамиз-у, аммо футбол ўйини-

орзусидан яна мусово этди. Ҳозир аксарият футбол ишқибозлари алам-изтиробда. Уларнинг фикрича, термаимиз мураббийи Вадим Абрамовни ўрнига ўзимизнинг супер лигамиз мураббийлари — Шота Арвалладзе ёки Рўзиқул Бердиевни сайлаш керак. Менимча, бу фикр ўзини унчалик оқламайди. Бизга тажрибали, виждонли, сабрли-иродали ва қаттиққўл хорижлик мураббий зарур. Чунки терма жамоамиз ўйинчилари учун ғалабага эришиш тажрибаси жуда муҳим. Ўзимизда айнан шу малака етишмаяпти. Виждонли бўлса, турли аралашувларга қулоқ солмай, ўз йўлидан кетади. Иродали ва қаттиққўл бўлса, ўйинчиларимизнинг сусткашлиги, лаёқатсизлиги каби салбий жиҳатларига сабр қилиб, қатъий туриб, уларни сайқаллаб, натижага эришади. Бу албатта, бу шахсий фикр. Сиз бу ҳақида нима дейсиз?

Н.ТЎХТАМАТОВА.

ОНАМ ҚУРГАН УЙ

Бир бола олти ёшида отасидан айрилиб, етим қолди. Замон жуда оғир эди. Онаси ўғлини боқиш учун иш қидирди, лекин ҳеч қаерга ишга олишмади. Аёлни фақат қурилишга арзимаган иш ҳақи тўлаб, ишла-тишга рози бўлишди. Чорасиз қолган она қурилишда ишлаб, ўғлини боқди.

Орадан йиллар ўтди. Бола улғайиб, катта тадбиркор бўлди. Шаҳардаги энг данғиллама-шоҳона уй сотувга қўйилди. У уйнинг эгасини олдига келиб сўради:

— Уйнинг нархи қанча?
— Саккиз юз эллик минг доллар.

Йигит дипломатидан дарҳол саккиз юз эллик минг долларни олиб, уй эгасига берди. У хурсанд, пулни санаб олди.

— Уй сотилди. Бугун-



дан бошлаб сизники. Лекин айтиб қўяй савдо қилишни билмас экансиз. Агар озгина савдо қилганингизда, нарх-ни тушириб берардим.

— Сиз ҳам савдо қилишни билмас экансиз. Агар уйнинг нархини бундан баланд айтганингизда ҳам, савдо қилмасдан сотиб олаверардим.

Уйнинг эгаси ҳайрон бўлиб сўради:

— Бу уйнинг нимаси сизни бунча ўзига тортяпти?

— Йигирма йил олдин бу уйнинг қурилишида менинг онам ёшт ташиган. Энди эса бу уйни онамга совға қилмоқчиман!!!

ФАРҲОДБЕК.

ОЛАМГА САЁҲАТ

ПАЛАУГА БОРГАНМИСИЗ?

“У қаер?” дея сўраётгандирсиз балки. Ҳа, ер юзида Палау номли мамлакат бор ва у Тинч океанидаги Филиппин денгизига жойлашган. Майдони 459 км²ни ташкил қилиб, аҳолиси 20 минг нафардан ортади. Расмий тили палау, инглиз ва япон.

Бу давлат 328 та оролни ўз ичига олган. Ўзгаларнинг ички ишларига аралашмаслик сиёсатини қўлагани учун ҳеч қачон ҳарбий можароларга қўшилмайди. Шу боис сиёсий майдонда у ҳақида эшитмаймиз. Доимий армияга эга эмаслиги учун бирон фавқулодда ҳолат юз берса, унинг манфаатини АҚШ ҳимоя қилади. Орол-давлат узоқ вақтлар АҚШ, Япония, Германия, Испания ҳукмронлиги остида бўлиб, 1994 йилда ўз мустақиллигини эълон қилган.

Айни пайтда мамлакат иқтисодиётининг асосини сайёҳлик, балиқчилик, бадиий ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги ташкил қилади. Экспортга балиқ ва денгиз маҳсулотлари, кемалар ва қайиқлар чиқарилса, нефть маҳсулотлари, озиқ-овқат ва дорилар четдан олиб келинади.

Орол-давлатда бошқа ҳеч қаерда кузатилмайдиган манзараларга дуч келасиз. Худудда попу-

ляцияни тиклаш мақсадида ташкил қилинган кўриқхонада 130 турдаги аюла мавжуд.

Машҳур медуза кўлида эса тахминан 2 миллионга мана шундай сув жонзоти ҳаёт кечиради. Табиий хавф манбаи йўқлиги учун медузалар ҳимояланишни унутган.

Минтақа қирғоқларида “тридакни” деб номланувчи сайёрадаги энг катта моллюскалар яшайди. Улар 250 килограммгача семириши мумкин.

Кўплаб сайёҳлар уммон бағрига шўнғиш учун мазкур ўлкага ташриф буюради. Негаки ернинг сув ҳавзаси бетакрор. Кўплаб ноёб балиқлар билан бирга сув ўтлари, маржон қоялари, чўкиб кетган ҳарбий кемалар ўзгача таассурот уйғотиб, сизни оламни англашга, борлиқни ҳис қилишга ундайди. Дунёда мана шундай масканлар ҳам борлигидан ҳайратга тушасиз.

НИГОРА тайёрлади.



— Сиз туғилиб вояга етган Пайариқ тумани ва Қудуқча қишлоғи нега шундай номланган?

ҲАММА НАРСА ПУЛ БИЛАН ЎЛЧАНМАЙДИ...

— Қадим ва ҳамиша навқирон Самарқандда ўз нуфузига эга Пайариқ тумани унинг ҳудудидан ўтган "Пай" ариғи номидан олинган. Қишлоғимизда 180-190 та хўжалик мавжуд. Аҳоли кундалик эҳтиёж учун қудуқ сувидан фойдаланиб келади. Шу сабабли қишлоғимиз Қудуқча номи билан аталади.

— "Ипотека банк"да ролпа-роса ўн йил турли нуфузли вазифаларда самарали ишлаган экансиз. Тўрт йил аввал, худди шу паллада "Hamkorbank"чилар сафига ўтиб-сиз. Сабаб?

— 2007 йилнинг апрель ойида "Ипотека банк"нинг Қўқсарой филиалида иш фаолиятимни бошлаганман. Мижозларга сифатли ва тез хизмат кўрсатадиган мамлакатимизнинг йирик банклардан бири — "Hamkorbank" АТБдан кутилмаганда ишга таклиф қилиб қолишди. Мазкур банкнинг эришаётган ижобий ютуқларини кузатиб борардим ва шу боис бу ерда ишлашга бажонидил рози бўлдим.

— Агар банк тизимида ишламаганингизда, қайси соҳаларда бемалол фаолият юритган бўлардингиз?

— Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, ҳаётда ўз ўрнимни топишга интилардим.

— Отангизнинг қайси жиҳатларини ўзингизда мужассам, деб ўйлайсиз?

— Тез ишонувчанлик ва бошқалар билан қисқа муддатда мулоқотга киришиш.

— Мактабни тамомлаганингизга ҳам чорак аср бўлибди. Синфдошларингиз билан кўришиб турасизми? Ўқиган мактаб-бингизга охириги марта қачон боргансиз?

— Синфдошларим билан туғилган кунлар ёхуд бирон бир байрам баҳона тез-тез учрашиб турамиз. Ўқиган мактабимга охириги марта 2019 йилнинг март ойида — Наврўз байрами тадбирида иштирок этиш учун борганман. Ўқувчилик

Банк соҳасида ишлайдиганларни кўпчилик жиддий, ҳисоб-китобдан, ишдан бошқани билмайдиган шахслар, дея ҳисоблашади. Аслини олганда ундай эмас. Улар орасида ажойиб суҳбатдошлар, дилкаш инсонлар, атрофдаги воқеликка бефарқ бўлмайдиганлар кўплаб топилади. "Hamkorbank" АТБ Боғишамол филиали бошқарувчиси Муралим ШАКАРОВ билан қисқа мулоқотимиз жараёнида бунга яна бир бор амин бўлдик.

Ишдан ташқари суҳбат

чоғларининг беғубор дамлари, устозлар меҳри қайтадан жонлангандай бўлганди ўшанда...

— Дарвоқе, мактабда қайси фан (фанлар) дан кўпроқ "5" олардингиз?

— Тарих, математикани ёқтирардим ва табиийки баҳоларим доимо аъло эди. Умуман олганда деярли барча фанлардан кўрсатгичим "5" бўлган. Ана шу "беш"ларим бугунги фаолиятимда мустақкам пойдевор бўлиб турганидан мамнунман.

— Билишимизча, қизларингиз Моҳинур ва Руҳшона қўшни туман — Оқдарёдаги 25-умумтаълим мактабда ўқишар экан. Пайариқдаги, аниқроғи қишлоғингиздаги мактаб талабга жавоб бермайдими?

— Қишлоғимиз шаҳар марказидан 75-80 км. узоқда жойлашганлиги ва ўзим оилам билан шаҳар марказига яқин бўлган Оқдарё туманида яшганлигим сабабли фарзандларим маҳалламиздаги 25-умумтаълим мактабда ўқишмоқда.

— Ўғлингиз Беҳрузбекни келажакда ким (ёки қайси касбнинг эгаси) бўлишини истардингиз?

— Ўзимга ўхшаган иқтисодчи бўлишини хоҳлардим. Лекин келажакда қайси касбни танлашини ўзи ҳал қилса, янада яхши. Буни вақт кўрсатади.

— Спортнинг қайси турига қизиқасиз ва нима учун?

СУҲБАТДОШИМИЗ:

1984 йилда Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида туғилган. 2006 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик ва 2012 йилда Тошкент молия институтларини тамомлаган. Мутахассислиги – инвестицияларни молиялаштириш, иқтисодчи. 2007-2017 йилларда "Ипотека" АТБда ишлаган. 2017 йилнинг май ойидан "Hamkorbank" АТБ тизимида фаолият олиб борапти. Оилали, уч нафар фарзанди бор.

— Футбол ва от спорти (аниқроғи кўпкари). Ўйлашимча футбол кўпчилик учун сеvimли. Кўпкарига оилавий қизиқамиз. Уйимизда доим от боқилиб келинган. Шунданми от спортига иштиёқим бошқача.

— Қандай кишиларни ёқтирасиз ва аксинча ёқтирмайсиз?

— Рост сўзловчи кишиларни эъзозлайман. Мактанчоқ кишиларни ёқтирмайман.

— Айримлар айтганидек, "ҳамма нарса пул билан ўлчанади"ми?

— Йўқ, бу гапга умуман қўшилмайман. Негаки, бундайларни фақат ўзини ўйлайдиган ва жамиятда ўрни йўқ кимсалар, деб биламан.

Суҳбатдош: Ҳалимжон ТОҲИРОВ

Замон шиддат билан илдамлаётган ҳозирги даврда одамларнинг маълумотга бўлган эҳтиёжи ортиб бормоқда. Уларни олиш манбаалари эса кўплаб топилади. Охириги оммалашгани шакшубҳасиз интернетдир.

ZO'R КИМНИКИ?

Ахборот оламида рақобат кучайган бугунги кунда телевидение йўналишида фаолият кўрсатаётганлар учун ҳам осон бўлмаяпти. Янгиликка интилмаган, ўз устида ишламаган телеканал кўп ўтмасдан парокандаликка учраши мумкин. Буни яхши тушунган жамоа доимо изланишда бўлади.

2017 йилда фаолият бошлаган "ZO'R TV" телеканали бугунги куннинг энг оммавийларидан бири. Кўрсатувлар асосан кўнгилочар характерга эга. Шунинг учун ҳам унинг мухлислари кўп, дея оламиз.

Аслида канал Фарғона водийси аҳолисига 1992 йилдан буён кўрсатувларини намойиш этиб келган "Водий садоси ёшлар телерадиокомпанияси" негизидан ташкил этилган. Буни кўпчилик билмаслиги аниқ. Чунки, айримлар уни Жаҳонгир Позилжоновнинг канали, деб ўйлайди. Актёр "ZO'R TV" ташкил этилганидан бошлаб, ўз лойиҳаларига продюсерлик қилади. Унинг бисотида 20 дан ортиқ кўрсатувлар бўлгани учун ва экранда кўп кўринганидан одамларда шундай тасаввур пайдо бўлган.

"ZO'R TV" номи ҳам қисқартма сўзлардан олинган. Унинг ёйилган кўриниши "Замонавий Ўзбекистондаги ривожланган телевидение". Ҳақиқатан ҳам канал рақобатчиларидан кўра техник жиҳатдан ҳам, ижодий таркиб соҳасида ҳам анча илгари. Уни бутун республика, ҳатто қўшни давлатларда ҳам эфир орқали кўриш имконияти мавжуд. Қолаверса, интернет тармоқларида дунёнинг исталган жойида туриб томоша қилиш мумкин.

Ижтимоий, сиёсий, иқтисодий мавзулардан йироқ бўлган телеканал 2020 йилда жиддий жанрларга ҳам қўл урди. Айтиш мумкинки, бу борада ўзининг пешқадамлигини кўрсатиб қўйди. Биргина "Бу кун" информацион дастури бунга мисол бўла олади.

Ахборот лойиҳасига ўзининг "Алдама мени", "25-соат", "103 – нажот қалъаси" сингари кўрсатувлари билан томошабинларга таниш бўлган Маъруфхўжа Хўжақулов раҳбарлик қилади. Гарчи янгиликлар дастурига бир нечта лойиҳалар тақдим этилган бўлсада, телеканал Кенгашига унинг жамоаси тайёрлаган кўрсатув маъқул келган. Бу аввало, ишонч, қолаверса, катта масъулият ва кўнгилочар дастурлар тайёрлаб юрган Маъруфхўжа учун синов бўлди.

Дастурнинг илк сонлари 10 нафардан ошмаган ижодий таркиб томонидан эфирга узатилган. Дастлабки суҳандонлар ўз вақтида кўплаб томошабинларнинг меҳрини қозонган Ирода Носирова ҳамда ёш, изланувчан ва серқирра ижодкор Сирожиддин Усаров бўлганини ҳеч ким унутмаган бўлса керак.

Бошқа ахборот дастурларидан фарқли жиҳатларидан бири хорижий давлатларда доимий мухбирларига эгалигидир. Жанубий Корея, Россия Федерацияси, Туркия Республикаси, Америка Қўшма Штатлари ва бошқа давлатлардан имкон қадар ҳар бир сон учун ахборотлар юборилади. Улар орасидан энг яхшилари саралаб олинади.

Бугунги кунда ўзига хос ёндашувлари билан томошабинлар ёдида қолган Зилола Убайдуллаева, Асалои Турғунова, Нозимжон Тешаев, Гулижон Норалиева, Ақобир Мисиралиев сингари журналистлар ҳамон изланишда. Мухаррир Дилбар Аралова, суҳандонлар Лайло Рустамова, Тўхтаой Йўлдошева, Гулшаной Ҳайдароваларнинг меҳнати мухлислар эътирофидан ўз натижасини кўрсатмоқда.

Айни дамда телеканалда янги мавсумга ҳозирлик кўрилмоқда. Ижодкорлар томонидан таклиф этилаётган лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Энг саралари эфир юзини кўради. Насиб қилса, тез кунларда телекўрувчилар уларни кўриб, ўз фикрларини билдиради.

Муроджон ТҲХТАНАЗАРОВ.



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Фарғона вилояти бошқармасида 2021 йил 19 майда 1181 рақам билан қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor Press" тахририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул: Н.ИҲЛОШЕВА
Саҳифаловчи: А. КАБИРОВ
Манзилимиз: Андижон шаҳри, 105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Г-649 Адади: 6075
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.